

## XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 1 319,3 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 18,3 минг кишига ёки 1,4 фоизга кўпайди. Шундан, 619,5 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 47,0 фоизи) ва 699,8 минг киши – қишлоқ жойларида (53,0 фоизи) истиқомат қилади.

### Жиззах вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>1 319,3</b>	<b>619,5</b>	<b>699,8</b>	<b>101,9</b>	<b>101,7</b>	<b>102,0</b>
<i>шаҳар:</i>						
Жиззах	171,2	171,2	-	101,2	101,2	-
<i>туманлар:</i>						
Жиззах	171,2	171,2	-	101,2	101,2	-
<i>туманлар:</i>						
Арнасой	44,4	15,2	29,2	101,6	101,3	101,7
Бахмал	148,7	40,1	108,6	102,2	102,0	102,3
Ғаллаорол	163,7	58,1	105,6	101,7	101,4	101,9
Ш.Рашидов	206,7	82,9	123,8	102,4	102,2	102,6
Дўстлик	62,9	26,7	36,2	101,6	101,1	102,0
Зомин	170,6	76,8	93,8	101,9	101,7	102,0
Зарбдор	66,5	42,4	24,1	102,5	102,7	102,1
Зафаробод	47,8	21,9	25,9	101,7	101,9	101,6
Мирзачўл	49,0	27,1	21,9	102,5	103,0	101,9
Пахтакор	71,5	35,1	36,4	101,9	101,7	102,0
Фориш	89,2	16,4	72,8	101,6	101,2	101,7
Янгиобод	27,1	5,6	21,5	101,5	101,8	101,4

### Январь-сентябрда вилоят бўйича аҳолининг табiiй ҳаракати коэффициентлари


Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2016 йил	2017 йил	2016 йил	2017 йил
Туғилганлар	23,4	23,3	24,3	23,8
Ўлганлар	3,8	4,2	3,9	4,3
<i>шу жумладан:</i>				
бир ёшгача болалар	0,3	0,3	11,0 <sup>1)</sup>	14,3 <sup>1)</sup>
Никоҳлар, мингта	7,2	8,1	7,4	8,2
Ажралишлар, мингта	0,7	0,8	0,7	0,8

**Туғилиш.** 2017 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 23,3 минг кишини ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига (23,4 минг киши) нисбатан 0,1 минг кишига камайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 24,3 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффицентининг сезиларли камайиши Жиззах шаҳри (20,3 промилледан 19,0 промиллегача), Арнасой (22,5 промилледан 21,7 промиллегача), Дўстлик (22,5 промилледан 21,9 промиллегача) Зафаробод (22,7 промилледан 19,0 промиллегача), Зарбдор (27,6 промилледан 25,4 промиллегача), Пахтакор (25,3 промилледан 23,3 промиллегача) туманлари хиссасига тўғри келади.

#### Аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти

2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



**Ўлим.** 2017 йилнинг январь-сентябрида ўлганлар сони 4,2 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (3,8 минг киши) нисбатан 0,4 минг

<sup>1)</sup> 1000 тирик туғилганга

кишига кўпайди, мос равишда ўлим коэффиценти 4,3 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрида – 3,9 промилле бўлган).


Ўлим коэффицентининг сезиларли ўсиши Фориш (4,3 дан 4,8 промиллегача), Бахмал (4,0 дан 4,7 промиллегача), Ш.Рашидов (3,9 дан 4,4 промиллегача), Зарбдор (3,6 дан 4,4 промиллегача), Мирзачўл (2,9 дан 3,2 промиллегача), Зомин (4,2 дан 4,5 промиллегача), Дўстлик (3,2 дан 3,7 промиллегача), Зафаробод (3,0 дан 3,6 промиллегача), туманлари ва Жиззах шаҳри (3,9 дан 4,2 промиллегача) ҳиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Арнасой (2,8 промилле), Мирзачўл (3,2 промилле), Зафаробод (3,6 промилле) ва Дўстлик (3,7 промилле) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан 52,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,6 фоизи – ўсма касалликларидан, 9,3 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,8 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,4 фоизи – инфекция ва паразитлардан, 15,6 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

### Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши

(2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига 6 та оналар ўлими рўйхатга олинган ва оналар ўлими коэффиценти 25,8 промиллени (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ташкил қилди.

Оналар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Зомин – 61,4 (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ҳиссасига тўғри келади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида бир ёшгача 0,3 мингта болалар ўлими қайд этилган. Гўдақлар ўлими коэффиценти – 14,3 промиллени (2016 йил январь-сентябрида – 11,0 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдақлар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Фориш – 18,0 (1000 тирик туғилганга нисбатан), Ш.Рашидов – 16,9, Бахмал – 16,5, Дўстлик – 14,3, Пахтакор – 14,1 туманлари ва Жиззах шаҳри – 14,5 ҳиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 58,2 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 27,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 4,8 фоизи – туғма аномалиялардан, 0,3 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 2,1 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 0,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 7,1 фоизи – бошқа касалликлардан вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-сентябрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 8,1 мингта никоҳлар ва 0,8 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 8,2 (2016 йилнинг январь-сентябрида – 7,4 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 0,8 ни (2016 йилнинг январь-сентябрида – 0,7 бўлган) ташкил этган.

**Январь-сентябрда тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони.**

*(минг бирликда)*

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>7 168</b>	<b>8 073</b>	<b>710</b>	<b>802</b>
<i>шаҳар:</i>				
Жиззах	860	983	151	149
<i>туманлар:</i>				
Арнасой	207	264	19	33
Бахмал	905	1 001	57	58
Ғаллаорол	1 051	1 130	105	110
Ш.Рашидов	1 199	1 318	90	109
Дўстлик	279	362	42	60
Зомин	930	1 011	82	100
Зарбдор	361	453	29	30
Зафаробод	193	240	18	28
Мирзачўл	179	249	23	25
Пахтакор	351	392	30	43
Фориш	513	518	45	43
Янгиобод	140	152	19	14

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 7,0 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса – 7,8 минг кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 0,8 минг кишини ташкил этган, 2016 йилнинг мос даврида минус 0,9 минг киши бўлган.

### Январь-сентябрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(минг киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>6,0</b>	<b>7,0</b>	<b>6,9</b>	<b>7,8</b>	<b>-0,9</b>	<b>-0,8</b>
<i>шаҳар:</i>						
Жиззах	1	1,2	1,3	1,4	-0,3	-0,2
<i>туманлар:</i>						
Арнасой	0,3	0,3	0,4	0,4	-0,1	-0,1
Бахмал	0,6	0,7	0,6	0,8	0	-0,1
Ғаллаорол	0,2	0,3	0,6	0,7	-0,4	-0,4
Ш.Рашидов	1,1	1,3	0,7	0,8	0,4	0,5
Дўстлик	0,3	0,5	0,5	0,6	-0,2	-0,1
Зомин	0,4	0,3	0,6	0,6	-0,2	-0,3
Зарбдор	0,5	0,5	0,4	0,5	0,1	0,0
Зафаробод	0,3	0,4	0,4	0,4	-0,1	0,0
Мирзачўл	0,5	0,6	0,3	0,4	0,2	0,2
Пахтакор	0,3	0,4	0,5	0,5	-0,2	-0,1
Фориш	0,4	0,4	0,4	0,5	0	-0,1
Янгиобод	0,1	0,1	-	0,2	0,1	-0,1

Миграция сальдосининг юқори даражаси Ғаллаорол (минус 0,4 минг киши), Зомин (минус 0,3), Арнасой (минус 0,1), Бахмал (минус 0,1), Дўстлик (минус 0,1), Пахтакор (минус 0,1), Фориш (минус 0,1), Янгиобод (минус 0,1), туманларида ва Жиззах шаҳрида (минус 0,2) қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Ш.Рашидов (плюс 0,5 минг киши) ва Мирзачўл (плюс 0,2 минг киши) туманларида кузатилди.

## XII. БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 487,6 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 37,0 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 461,7 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 фоизга ошди.

2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,7 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторида жами бандлар улуши 81,7 фоизга етиб, 2016 йилнинг шу даврида 81,3 фоизни ташкил қилган.

### Давлат ва нодавлат секторида бандлар сони <sup>1)</sup>

	<i>Жами бандлар, минг киши</i>	<i>шу жумладан: жами сонига нисбатан фоизда</i>	
		<i>давлат секторида</i>	<i>нодавлат секторда</i>
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>461,7</b>	<b>18,3</b>	<b>81,7</b>
<i>шаҳар:</i>			
Жиззах	82,5	x	x
<i>туманлар:</i>			
Арнасой	16,6	x	x
Бахмал	45,7	x	x
Ғаллаорол	53,3	x	x
Ш.Рашидов	60,2	x	x
Дўстлик	22,4	x	x
Зомин	53,2	x	x
Зарбдор	20,5	x	x
Зафаробод	18,8	x	x
Мирзачўл	21,5	x	x
Пахтакор	25,2	x	x
Фориш	32,1	x	x
Янгиобод	9,7	x	x


<sup>1)</sup> Дастлабки маълумот

Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан бандлар сонининг сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (3,1 фоизга), қурилишда (2,7 фоизга), ахборот ва алоқада (0,0 фоизга), савдода (2,4 фоизга), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (1,2 фоизга) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандлар улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 42,6 фоизни, саноатда 10,0 фоизни, савдода 7,6 фоизни, қурилишда 6,6 фоизни, таълимда 8,7 фоизни ташкил этди.

### Иш билан бандларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Шунингдек, 2017 йилнинг январь-сентябрь даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами бандлардаги улуши 81,2 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь 81,1 фоиз бўлган).

**Ишсизлик<sup>1)</sup>.** 2017 йил сентябрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 0,4 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига (0,3 минг киши бўлган) нисбатан 124,0 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2017 йил январь-сентябрь ойларида 25,9 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,3 фоизни ташкил этди.

<sup>1)</sup> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида